

КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Эралиев Алишер Комил ўғли
СамИСИ ассистенти

Аннотация: Ушбу мақолада консолидациялашган ҳисобот тузиш, унинг тартиби, ҳисоботнинг бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мослиги ва унда қўлланиладиган услублар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: ҳисобот, консолидациялашган ҳисобот, молиявий ҳисобот, баланс.

Аннотация: В этой статье консолидированный отчет, его порядок, анализируется соответствие отчета принципам бухгалтерского учета и применяемым в нем методам.

Ключевые слова: отчетность, консолидированная отчетность, финансовая отчетность, баланс.

Abstract: In this article, the consolidated report, its order, analyzes the compliance of the report with the principles of accounting and the methods used in it.

Keywords: reporting, consolidated reporting, financial reporting, International Financial Reporting Standards (IFRS), balance.

Дунёдаги глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашиб бораётганлиги бевосита, дунё миқёси бўйича йирик компаниялар ва шу қаторда уларнинг шубҳа компаниялари сонининг йилдан-йилга кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида бош компаниялар ва шубҳа компаниялар ҳисоботларини умумлаштириш яъни консолидациялашган ҳисоботларини тузишга бўлган заруратнинг ортиб бораётганлигини англатади. Демак, шундай экан, консолидациялашган ҳисоботни қандай тузиш керак?

Консолидациялашган ҳисобот тузишнинг қандай назарий ва методологик асослари мавжуд? Мақолада ушбу саволларга батафсил тўхталиб ўтамыз. Республикамизда консолидациялашган ҳисоботни тузиш ҳамда унинг ҳисобини юритиш ҳуқуқий асослар ва миллий стандартларда етарлича ёритиб берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида “Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва

механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш”[4] жумлалари келтириб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, ахборот фойдаланувчиларга маълумотларни шу жумладан, молиявий ҳисобот маълумотларини шаффоф ва ишончли тарзда етказиб бериш, иқтисодий ривожлантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Консолидациялашган ҳисоботни тузишнинг назарий ва методологик асослари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. А.Ибрагимов, И.Очилов, И.Кўзиев ва Н.Ризаевлар “шўба корхоналар, филиаллар ва вакилликларга эга бўлган корхоналар консолидациялашган молиявий ҳисобот тузади” деб таъкидлаб ўтишган [5].

Иқтисодчи олим С.Н.Ташназаровнинг таъкидлашича молиявий ҳисоботларни хусусан консолидациялашган молиявий ҳисоботларни МХХС (молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) бўйича трансформация қилиш зарурияти ошиб бормоқда [6].

Иқтисодий диверсификациялаш жараёнларини ривожланиб бораётган бир даврда стратегик алоқалар воситасида компанияларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига эришиш долзарб масалалардан биридир. Бунда компаниялар томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш заруриятини юзага келтирувчи асосий омил бу - иқтисодий соҳаларнинг кенгайиб бораётганлиги яъни йирик компанияларнинг сони ортиб бораётганлигидир. Ҳозирги кунда компаниялар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш ва унинг шаффофлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Даставвал, консолидациялашган молиявий ҳисоботга берилган таърифларга тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 8-сон БҲМС “Шўба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар” [2]да қуйидагича тарифлар келтириб ўтилган:

Шўба хўжалик жамияти - бош жамият томонидан назорат қилинадиган хўжалик юритувчи субъект.

Бош жамият - бир ёки бир неча кичик жамиятларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектдир.

Гуруҳ - бош жамият ва унга қарашли барча шўба жамиятлар.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар - ҳисобот санасидаги молиявий аҳволни ва хўжалик юритувчи жамиятлар гуруҳининг ҳисобот даври учун молиявий натижаларни акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими.

Алоҳида молиявий ҳисоботлар - гуруҳ ҳар бир аъзосининг консолидациялаш лозим бўлган ҳисоботи.

Бош ва шўъба компаниялар ҳисоботлари маълумотларини босқичма-босқич бирлаштириш, компания туридан қатъий назар ўзларида ташкил этилган услуги ёрдамида ҳал этиш, ҳар бир услуб махсус ҳисоб тартиблари - бош ва шўъба компаниялари гуруҳини бир бутун қилиб кўрсатиш мақсадига эришишга ёрдам берадиган бирлаштириш тартибидан ташкил топади (1-расм).



1-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш босқичлари [7].

Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш - бош ва шўъба компаниялар гуруҳи тўғрисидаги ахборотни ягона иқтисодий тузилма сифатида тақдим этишдир.

Демак, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, консолидациялашган ҳисобот - бош, шўъба ҳамда ҳамкорликда назорат қилинадиган компанияларда тузилган ҳисоботларнинг маълумотлари умумлаштириб яхлит ҳолга келтирилган ҳисоботдир.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг биринчи босқичига қуйидагилар киради:

- 1) Капитални умумлаштириш;
- 2) Мажбуриятларни умумлаштириш;
- 3) Оралик мажбуриятларни истисно қилиш;
- 4) Даромад ва ҳаражатларни умумлаштириш;
- 5) Бирлик назариясига риоя қилиш билан боғлиқ ва аниқ номга эга бўлмаган баъзи бир хусусиятларини умумлаштириш.

Капитални умумлаштиришда бош ва шўъба компанияларда мавжуд бўлган капиталлар ўзаро умумлаштирилади.

Мажбуриятларни умумлаштириш жараёнида компанияларнинг ташқи қарзлари қўшилади. Ўзаро мажбуриятлар умумлаштириш жараёнида чегириб ташланади.

Даромад ва харажатларни умумлаштиришда босқичида бош ва шўъба компанияларнинг ўзаро бир-биридан олинган даромад ва харажатлари ҳисобга олинмайди. Мана шу кетма-кетликда ўтиш ҳисоботи тайёрланади.


Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда биринчи бўлиб, ҳисоботни тузишнинг қанчалик таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Бу ажратиш даврида қўйидаги ўзгаришлар бўлиши керак:

- баланс ва ҳисобот тузилмасида молиявий натижалар тўғрисида;
- ҳисобот моддалари таркибида;
- ҳисобот моддаларини баҳолашда;
- ҳисобот моддаларини бир валютадан бошқасига қайта ҳисоблашда. [6]

2-босқичда консолидациялашадиган баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни горизонтал жамлаш жараёни амалга оширилади.

Сўнгги босқичида бош ва шўъба компанияларнинг молиявий ҳисоботлари бевосита умумлаштириш жараёни тугалланади ва якуний консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилади (2-расм).

Гуруҳ доирасидаги активлар ва мажбуриятлар, корхоналари ўртасидаги операциялар билан боғлиқ капитал, даромад, харажатлар ва пул маблағлари оқимлари бутунлай ҳисобдан чиқарилади.



2-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисобот шакллари [7].

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш жоизки, консолидациялашган молиявий ҳисоботни миллий стандартлар асосида тузиш, айрим нуқсонларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ўз навбатида ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончлилигини йўқотишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан,

консолидациялашган молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузиш ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни корхонанинг ҳисоб сиёсатида қабул қилинган корхона активлари, мажбуриятлари ва молия-хўжалик операцияларини тан олишга ягона ёндашув республика ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган шўъба компаниялари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларни, бош компаниянинг консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишга қаратилиши лозим. Яъни шўъба компанияларнинг ҳисоб сиёсати бош компаниянинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ тузилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 14 апрель. № 404.
2. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти” номли 8-сонли БҲМС -Т.: ҚБАМА, 1998 йил 14-октябр, 50-сон
3. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти” номли 24-сонли БҲМС -Т.: ҚБАМА, 2009 йил 5-август, 79-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда
5. Ибрагимов А., Очиллов И., Қўзиёв И., Ризаевлар Н. “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”. Ўқув қўлланма. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2002. -444 б.
6. Ташназаров С.Н. “Молиявий ҳисоботнинг МҲХС бўйича трансформацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил
7. Қўзиёв И., Авазов И. “Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий асослари”, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил